



Ўрта Осиёнинг ўтрок дехкончилик ҳудудларини ўраб турувчи тоғли, чўл ва дашт ҳудудларда яшаган кавмлар орасида ўгуз (гуз), карлук, кипчок, тўккизгуз, кимок ва бошка туркий уруғлар катта ўрин тутганлар.

Араб манбаларида эътироф этилишича, IX–X асрларда Мовароуннахр ва Хоразмнинг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларида асосан ўгуз қабилалари яшаганлар. Уларнинг тиллари туркий бўлиб, ўз иттифокларига бир катор уруғ ва қabila вакилларини бирлаштирганлар. Улар дастлаб Исиккўл бўйларида ва Сомонийлар Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган даврларда Хоразмнинг шимолий ва ғарбий чегараларида, шунингдек, Сирдарёнинг қуйи хавзасида яшаганлар. IX–X асрларда ўгузлар Орол денгизидан Каспийга қадар “Ўгуз чўли” деб аталган ҳудудларда яшаганлар

[\[1\]](#)

Ўгузлар Ўрта Осиёга IX асрда кириб келганлар. Бу даврда улар Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимларида, Устюртнинг шимолий Эмба ва Ёйик оралигида яшаганлар. Кейинчалик ўгуз номи бир катор ўгуз бўлмаган халқларга нисбатан таркаган. Айрим бошка қабилалар ўгузлар иттифоқига кирган бўлсалар-да, ўз тилларини ва ўзига хосликларини сақлаб қолганлар. М. Кошгарийнинг маълумотича, айрим ўгуз қабилалари, масалан, қойлар ўзларининг махсус лисоний белгиларини сақлаб қолганлар.

Ўгузлар қўчманчи туркий қабилалар конфедерациясини ташкил этганлар, уларнинг қелиб қиқиши Олтой ва Жанубий Сибир билан боглик [\[2\]](#). Ал-Марвазийнинг ёзишича, гузлар мусулмон мамлакатлар билан алоқа ўрнатганларидан сўнг уларнинг айримлари

исломни қабул қилганлар ва улар туркмонлар деб аталганлар. Кейинчалик улар ва ислом динини қабул қилмаганлар ўртасида уруш бошланган ва охир-оқибат мусулмонлар устунликка эриша бошлаганлар, динсизларни сиқиб чиқарганлар. Динсизлар Хоразмни тарқ этиб, бажанаклар ерига бориб жойлашганлар. Туркмонлар эса жуда ислом мамлакатлари бўйлаб тарқаб кетганлар ва улар ўзларининг ижобий хусусиятларини намоён этиб, бу ҳудудларнинг жуда каттагина қисмида ҳукмдор ва султонларга айланганлар [3].

Ўғузларнинг катта қисми ҳозирги Туркменистон ҳудудида яшовчи халқларни забт этиб, уларга ўзларининг туркий тилларини қабул қилдирганлар ва улар бу этник катламда етакчи сиёсий ўринни эгаллаб, ўз генеалогияларини юқори мавқега олиб чиққанлар. Аммо туркманларни ўғузлар билан айнанлаштириш ҳам нотўғридир. Ҳозирча бунга фанда бирор бир исбот топилмаган. Ўғузларни туркман халқи этногенези шаклланиш жараёнидаги массагетлар, дахлар, парфияликлар, маргиёналиклар, эфталитлар, олонлар ва ослар билан бир қатордаги муҳим бир элемент сифатида олиш мумкин. Шундай бўлса-да, уларнинг туркманларнинг этник шаклланишидаги ролини пасайтириб кўрсатиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ўғузлар 24 қабилла номларининг 8 таси ҳозирги туркманлар қабилавий таркибида ва 10 таси туркманларнинг уруғ номларида сақланиб қолган [4]. Бу ерда миллионлаб туркий оилаларни Яқин ва Ўрта Шарқ томон етаклаган Салжуқийлар даврининг аҳамиятига тўғри баҳо бериш керак. Яқин ва Ўрта Шарққа миграция қилган туркийлар ичида ўғуз-салжук элементлари доминант эди.

Ўғуз қабилалари ичида киниклар шубҳасиз катта ўрин эгаллаганлар. Ҳужжатларда шунингдек афшор (авшор), солур, бойундур, жабниларнинг ҳам катта таъсирли уруғлар эканлиги айтилади [5]. Ўғузларнинг ҳаммаси ҳам кўчманчи бўлмаганлар. Уларнинг каттагина қисми Сирдарё қуйи ва ўрта оқимларидаги шаҳар ва қишлоқларда ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Манбаларда ўғузлар бир қатор бошқа туркий уруғлар билан Янгикент, Жанд, Риботот, Ашнос, Қорачук, Сигноқ, Саброн, Ўзкенд, Ясси, Сутқанд, Қарноқ қабил шаҳарларда яшаганликлари айтилади [6].

Авфий ўзининг “Жомеъ ул-хикоят” асарида” ёзишича, ўғузларнинг бир қисмини гуз, бир қисмини айгурлар дерлар. Уларнинг бир қисми Хоразм ерларида яшайдилар. Уларнинг ўлкаларида ислом байроғи ўрнатилгач, мусулмон бўлганлар. Улар исломни жорий этдилар. Кейин буларга қофир аскарлари ҳужум қилди. Уларни ўз ерларидан сиқиб чиқардилар, улар ислом шаҳарларига қараб юрдилар. Буларни ислом ўлкаларида турклар деб атадилар (туркон). Ислом ўлкаларида қуч-қувват ва ҳокимиятга эришдилар. Чағри тегин ҳукмдор бўлганда исён қўтардилар. Аскарлари ҳукмдор бўлиб жаҳонни забт этдилар

[7]

М.Кошгарий факатгина ўғузларнинг майда уруғларини ҳам ёзган, чунки унинг замонида ўғузларнинг мавқеи анча кучли бўлган. Унинг ёзишича, ўғуз туркларнинг бир кабиласидир. Туркманлар уларга киради. Улар 22 уруғдирлар. Хар бир жамоанинг хайвон суратидаги алогиди тамгаси бор. Улар бир- бирларини шу тамгалар оркали танийдилар. Бу кабилалар киниклар, койиглар, боёндурлар, иполар, солгурлар, афшорлар, бегтидилар, бекдузлар, боётлар, ёзгирлар, аймурлар, корабулуклар, олқабулуклар, игдорлар, юдигерлар, тутиркалар, улаюндулуклар, тукарлар, бижанаклар, жуводдорлар, жабдилар, жаруклуклар [8]. Ўғузларнинг катта қисми XII асрда Хуросон ва Яқин Шарққа қараб кўчган бўлсалар-да, уларнинг кичик жамоалари аввалги маконларида яъни, Хоразм атрофлари ва ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудида қолганлар. Жумладан, ал-Масъудийнинг ёзишича, Ман қишлоғи – ўғуз ўлкасидаги бир жой номи

[9]

Ўғузлар исломга қирғанларидан кейин от қўшти тановул қилишни тўхтатганлар, бунга сабаб ханафий мазҳаби томонидан от қўшти макруҳ этилгани эди.

Ўғузларда исломдан аввалги дин одамлари қом (шомон) деб аталган ва аслида шомон сўзи тунгусча бўлиб, туркийларда деярли қўлланилмаган. Ибн Фазлон ўғузлар ҳудуди та

ҳри дейишларини хабар берган

[10]

. Шунингдек, ўғузларда ҳудуга нисбатан

Боёт

ва

Уган

сўзлари ҳам қўлланилган. Қомлар

ота

унвони билан аталганлар. Масалан: Қўркут ота, Занги ота қабиласи. У замонларда отани қанг

деганлар. XIII асрга келиб эса

ота

ўрнига

қобил

қалимаси ҳам қўлланила бошлайди

[11]

. Туркий қабилаларнинг шомонларнинг илохий қуч соҳиблари бўлиб, ноёб қобилиятларга эга эқанликларига ишонганлар ва уларнинг олдида катта бир қўркув ва ҳурмат ҳиссини туйганлар. XI асрга келиб ўғузларнинг Қора денгиз бўйларига кўчган кичик бир

кисмидан бошқа хаммалари мусулмон эдилар.

Куйи Сайхун (Сирдарё) бўйларида IX асрда ўғузларнинг катта бир давлатлари бўлган ва кўшни давлатлар уларнинг кучидан хайикканлар. Аббосий халифаси Муътасимнинг Шаркий вилоятлар бўйича ноиби Абдуллох б. Тохир 838 йил ўғузларга қарши урушга отлангани ҳам уларнинг ўша пайтдаги куч-қудратидан далолат беради [12]. Ўғузларнинг етакчилари йабгу деб аталган. Йабгуларнинг ноиблари кўл эркин деб аталганлар. Бу эски бир унвон ҳисобланган ва Гарбий Кўк Турк императорлиги даврида Иссиқкўлнинг гарбидаги Чуй ва Талас дарёлари орасида яшаган беш қабила шу унвонга эга бўлганлар. Ўғузларнинг фольклор жанрларида уларнинг аввалги ватанлари Иссиқкўл бўлганлиги ҳам айтилади.

Кўлэркиндан сўнгра субошилар турган (ўрда кўмондони, эски туркчада су ўрда, кўшин маъносида келган).

Йабгуларнинг човушлари (ёварлар, ташрифотчилар) ва бекчилари (хос кўрикчилари) бўлган. Уларнинг мухрдорлари туграк деб аталган [13].

536 йили Султон Санжарнинг кўшини ичида карлуклар (каргаллар) ва турк-гузлар деган туркларнинг уруғлари бор эди. Гузлар ҳам иккига бўлинганлар, учўк ва бўзўк (бурук) [14]. Ўғуз-ябгу давлатида, шунингдек, тархон, йинок, йинокчи каби унвонларга эга бўлган аслзодалар ҳам бўлган. Яна билга, улуг, кутлуг, алп каби унвонлар ҳам учрайди. Йабгуларнинг давлат мухрлари бир ёй ва уч ўқдан иборат эди. Аслида ёй 24 уругдан бўзўкларнинг, уч ўқ эса учўкларнинг тимсоли бўлган [15].

Ўғузларнинг шимолий чегараларида кипчоклар яшаганлар. Бажаноклар эса кипчокларга кўшни бўлганлар. Шунингдек, кипчокларнинг шаркий, ўғузларнинг шимоли-шаркий томонида кимоклар яшаганлар. Фаргона ва Шошнинг ўзида ҳам, атроф минтакаларида ҳам туркий элатлар яшаганлар. Масалан, Шош ва Фаргона чегараларида карлуклар ва уларга иттифокдош бўлган чигил, яғмо, хазлаж, аргу, тухси ва бошқалар яшаганлар.

Корахоний Арслонхоннинг туркий гузлардан ҳам кўшини бўлган. Корахонийлар кўшини вақти-вақти билан Хуросонга талончилик юришлари қилиб турардилар. Зикр этилган туркий гузлар икки тоифадан иборат эдилар. Улардан бири ачак бўлиб, уларнинг амирлари Туги ибн Додбек эди. Бошқа қабила барок деб аталиб, амирлари Каргут ибн

Абд ал-Хамид эди [\[16\]](#) .

Ибн ал-Асирнинг маълумотида, 383 йили Шихоб ад-давла Хорун ибн Сулаймон Илок (Бугрохон ат-Туркий номи билан машхур бўлган) Бухоро хукмдорига айланди. Кошгар ва Болосоғун ҳам Хитойга қадар унинг мулки эди [\[17\]](#) . Бугрохон Бухорони тарқ этганда унинг қолдириб кетган қўшини маҳаллий аҳоли томонидан таланди.

Нух ибн Мансур Бухорони қўлга қиритиб, унда жойлашиб олганидан сўнг, Бугрохон оғир касалга чалинди. Бу талончиликда маҳаллий аҳолига турк ғузлар ёрдам бердилар

[\[18\]](#)

. Турк ўғузлар у билан бирлашиб, Бугрохоннинг жангчиларини қириб ташладилар ва мулкларини таладилар.

Бугрохон йўлда вафот этди. Бугрохон вафот этгач, унинг халқи ўз қўргонларига тарқаб кетди. Бугрохон ҳудудий киши бўлиб, шундайлигача умрининг охиригача яшади.

Бугрохон вафот этгача Илиғхон турк дунёсининг подшошига айланди

[\[19\]](#)

. Бу ерда Бухоро атрофларида ҳам турк ғузлар яшаганликлари ҳақидаги маълумот диққатга сазовордир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўғузлар IX–XII асрларда таъсирли қабилалардан бири бўлганлар. Бу даврга келиб, ўғузлар сиёсий иттифоқи тарқаб кетган бўлса-да, этнографик ғурухлар тарзида мавжуд бўлганлар. Улар Ўрта Осиё, Хуросон ҳудудларида жамоалар тарзида яшаганлар ва бу ҳудуддаги халқларнинг этник шаклланишида катта ўрин тутганлар. Хоразм, Қорақалпоғистон ва Чимкент, қисман Тошкент вилояти ўзбекларининг этногенезида ўғузларнинг таъсири мавжуд.

Х.МАМАДАЛИЕВ

ЎзР ФА Тарих институти к.и.х.

---

[1] Гундогдыев О. Огузы, туркмены и Россия. Исторический очерк. Ашхабад: Рух, 2001.

[2] Дурдиев М. Туркмены. Ашгабат. Харп, 1991. С. 9.

[3] Sharaf al-zaman Tahir al-Marvazi on China, The Turks and India. Arabic text (circa A.D. 1120) with an English translation and commentary by V. Minorsky. The Royal Asiatic Society. London. 1942. P. 29.

[4] Дурдиев. М. Туркмены. С. 42–43.

[5] Sümer F. Türk cümhuriyetlerini meydana getiren eller. İstanbul, 1997. S. 7.

[6] Sümer F. Türk cümhuriyetlerini meydana getiren eller. İstanbul, 1997. S. 7.

[7] Şeşen. R. İslam coğrafyacılarına göre türkler ve türk ülkeleri. Türk Tarih Kurumu Basımevi. Ankara, 2001. S. 91–92.

[8] Ўша китоб. 24-бет.

[9] Ал-Масъудий. Муруж аз-захб. I. 387.

[10] Ковалевский А.П. Книга Ахмеда ибн Фадлана о его путешествии на Волгу в 921–922 гг.

Харьков, 1956. С. 34.

[11] Sümer F. Türk cümhüriyetlerini meydana getiren eller. İstanbul, 1997. S. 12–13.

[12] Ўша жойда.

[13] Sümer F. Türk cümhüriyetlerini meydana getiren eller. İstanbul. 1997. S. 14.

[14] Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-тарих. Полный свод истории / Перевод с арабского языка, примечания и комментарии Булгакова П.Г. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введения и указатели Камолиддина Ш.С. Ташкент, Узбекистан, 2006. С . 242.

[15] Sümer F. Türk cümhüriyetlerini meydana getiren eller. İstanbul, 1997. S. 14.

[16] Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-тарих. Полный свод истории. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии Булгакова П.Г. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введения и указатели Камолиддина Ш.С. Ташкент, Узбекистан, 2006. С. 230–235.

[17] Ўша китоб. 155-бет.

[18] Ўша китоб. 157-бет.

[19] Материалы по истории тюркских народов Центральной Азии (Извлечения из источников). Ташкент, Фан, 2003. С. 135.

